



ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯ ТАРКИБИДА ИФОДАЛАНГАН ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ СИНТАКТИК МУНОСАБАТЛАРИ

М.Эштухтаева

(СамДЧТИ магистранти)

Мураккаб гап синтаксисининг махсус предмети бўлмиш гапнинг иловали элементларига бағишлаб ёзилган илмий-назарий манбаларни атрофлича ўрганиш, шунингдек, ҳозирги замон инглиз ёзувчиларининг асарларидан тўпланган кўп сонли мисоллар намунасида иловали элементларнинг маълум бўлакларга нисбатан бажариб келаётган турли - туман функцияларини таҳлил қилиш ва уларнинг структуравий кўринишларини аниқлаш қуйидагича хулосаларни чиқаришга имкон яратади:


Гапнинг иловали элементлари мураккаб гап синтаксиснинг энг ҳаракатчан структурал типларидан бири бўлиб, у биз ўрганган матнлар доирасида маълум даражада кенг ёйилиши билангина эмас, балки турли хил структуравий шаклланишга эга бўлишлиги билан, шунингдек, ҳар хил маъновий вазифаларни, ранг-баранг стилистик функцияларни бажариб келиши билан алоҳида таъкидланиши лозим [1; 241-б.].

Маълум бўлаклар билан иловали элементлар ўртасидаги синтактик алоқалар турли хил усуллар ёрдамида ифодаланади: феъл-кесимларнинг умумийлиги ва бошқарувчанлиги билан; улар ўртасидаги мослашувчанлик усуллари билан; содда гапларнинг зарурий компоненти бўлмиш бош бўлакларнинг яхлитлиги билан, чунки улар фақат маълум бўлаклар учун эмас, балки иловали элементлар учун ҳам бош бўлаклар функциясида келади.

Иловали элементларнинг бирдан-бир муҳим синтактик функцияси - бу содда гаплар таркибида келиб, уларнинг структурасини мураккаблаштиришдан иборат: бироқ бу ерда ҳам улар икки хил функцияни бажаради: биринчидан, содда гаплар структурасини мураккаблаштира, иккинчидан, ўзларининг структураси ҳам ҳар хил лексик-грамматик воситалар ёрдамида мураккаблашади. Натижада уларнинг ҳажм кенгайишлари ҳар-хил характерга эга бўлади.

Иловали элементларнинг боғловчилар билан ифодаланиб келган ҳолларда, бир томондан, маълум бўлаклар билан иловали элементлар орасидаги синтактик алоқа воситасининг доираси кенгайса, иккинчи томондан, иловали элементлар томонидан маълум бўлакка нисбатан билдираётган қўшимча маънонинг характери ўзгаради.

In der Werkstatt fertigte Anna mit Hilfe der Kinder Geschenkartikel an. Weihnachtskrippen, Rauschgoldenengel, geschnitzte und gebrechselte Puppen, Kinderspielzeug, Kasperletheater mit Kulissen, Holzteller, kleine Truhen.





Мисолда ифодаланган иловали элементларга хос, лекин уларнинг юқорида такрорланмаган яна бир синтактик хусусияти тўғрисида бу ерда фикр юритиш, уни алоҳида таъкидлаш, ўринли деб ҳисоблаймиз. Иловали элементлар бу ўз табиатига кўра содда гапларнинг таркибида келиб, унинг структурасини мураккаблаштирувчи воситалардир. Ҳақиқатдан ҳам шундай эканлигини, биз юқорида келтирилган мисоллар намунасида кузатдик. Иловали элементлар содда гап структурасини мураккаблаштирувчи восита сифатида якка ҳолда ёки кенгайган ҳолда келиши мумкин.

Таҳлил қилинаётган илова қурилма компонентлари ўртасидаги синтактик алоқалар ҳам қуйидагича ифодаланади: биринчидан, асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг яхлитлиги билан; иккинчидан, бошқарув йўли билан. Синтактик алоқаларнинг турли хил бўлиши, шунингдек, иловали элементларнинг ҳар хил структуравий шаклланиши, уларнинг коммуникатив функцияларига ҳам таъсир қилади.

Иловали элементлар томонидан асосий ифоданинг мазмунига нисбатан билдириладиган қўшимча маъно, бу ерда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни конкретлаштириб, изоҳлаб, уларни тўлдириб келади ва турли хил нозикларга эга: маълум бир жойга хослик, аниқлик, тўлдиришга хослик ва шунингдек, пайт хусусиятларига хослик [2; 240 – 244-б.].

Илова қурилма компонентлари орасида синтактик алоқалар асосий ифода функциясида келувчи бош бўлақларнинг синтактик-семантик яхлитлиги, ҳамда компонентларнинг такрорланиши билан ифодаланади. Жойлашиш нуқтаи назаридан барча иловали элементлар “соф” иловали элементлар ҳисобланади, чунки улар ўзлари бевосита боғлиқ бўлган компонентларга нисбатан яқин туради.

Асосий ифодада таркибидаги айрим компонентларнинг талаби билан ҳам иловали элементлар юзага келиши мумкин.

Jeder sprach sich mit mir aus. Über wichtige Sachen und über jeden Dreck.

Mit niemandem sprach er so offen wie mit ihr.

Auch über seine privaten Schwierigkeiten und Sorgen. (Kayser Barbara. Sie nannten sie Anna. Anna und ihre Kinder. 1991. -S. 357)

Ушбу мисолларда келтирилган ва über предлоги билан ифодаланган иловали элементлар асосий ифода таркибида келувчи “sprechen”, “sich unterhalten” каби компонентларнинг талаби билан юзага келади, чунки бу компонентлар ана шу иловали элементларни бошқараяпти, худди шундай шаклда келишини талаб қиляпти, шундай бўлиши бу компонентларнинг грамматик табиатларидан келиб чиқади”, иккинчидан, бу компонентлар иловали элементларнинг юзага келишида “сигнал берувчи элементлар” сифатида қўлланилади, яъни уларнинг юзага келиши учун олдиндан имконият яратади; учинчидан, бу иловали элементларнинг асосий ифодадаги компонентларга нисбатан тобалик қобилияти худди шундай иловали





элементларга нисбатан кучлироқ; туртинчидан, бу иловали элементлар бошқа барча турдаги иловали элементлар каби “компенсация” функциясини бажариб келади. Бошқача қилиб айтганда, асосий ифода таркибида нутқ жараёнида туширилиб қолдирилган, муҳим аҳамиятга эга бўлган гап бўлагини тўлдириш, тиклаш мақсадида иловали элементлар ана шу компенсация, яъни камчиликларни тўлдириш функциясини бажаради.

Хулоса ўрнида, иловали элементларнинг бу тарзда пайдо бўлиши асосий ифода билан иловали элементлар бир- бирлари билан доимо синтактик-семантик муносабатда бўлишади, деган фикрни яна бир бор исботлайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адмони В. Г. Синтаксис современного немецкого языка. Л., 1973. -С. 366.
2. Алимарданов Р. Интонация ва синтаксис муносабати. Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари (Самарқанд 16-18-ноябрь 2000 йил). –Самарқанд: СамДЧТИ, 2000. -Б. 240- 244.
3. Kayser Barbara. Sie nannten sie Anna. Anna und ihre Kinder. Printed in Great Britain November, 1991. - 624 S.

